

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **464** Жиззах вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синаб кўришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида

Жиззах вилоятида саноатни, қишлоқ хўжалигини ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш учун захиралар ва имкониятларни сафарбар этиш, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синаб кўриш, юқори даражада қулай бизнес муҳитини шакллантириш ҳамда шу асосда маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси мустақамланишини, аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати ўсишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Жиззах вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган Жиззах вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синаб кўриш ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Комплекс дастур деб аталади) маъқуллансин, унинг таркибига қуйидагилар киради:

2017-2018 йилларда туманлар (Жиззах шаҳри), молиялаштирувчи тижорат банклари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича саноат салоҳияти, хизматлар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир амалга ошириладиган лойиҳаларнинг йиғма параметрлари 1 — 6-иловаларга\* мувофиқ;

2017-2018 йилларда саноатда, қишлоқ хўжалигида ва хизматлар соҳасида амалга ошириладиган йирик ва аҳамиятли инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатлари 7 — 9-иловаларга\* мувофиқ;

эксперимент тарикасида тадбиркорлик субъектларига бериладиган солиқ имтиёзлари ва преференциялари рўйхати 10-иловага мувофиқ.

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ, «Ўзбекозиковқатхолдинг» ХК, «Ўзвиносаноатхолдинг» ХК, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «Ўзфармсаноат» АК, «Ўзэлтехсаноат» АК, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар — масъул бажарувчилар раҳбарлари зиммасига Комплекс дастурда назарда тутилган лойиҳаларни ўз вақтида амалга

\* 1 — 9-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, янги иш ўринлари яратиш таъминланиши учун шахсий масъулият юклансин.

2. Тижорат банкларига Комплекс дастурга киритилган лойиҳалар бўйича кредит шартномаларининг ўз вақтида расмийлаштирилиши ва молиялаштириш бошланишини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Жиззах вилояти ҳокимлиги барча даражалардаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлиги аниқ мувофиқлаштирилишини, ушбу қарор билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва беришда сансалорлик ва бюрократия ҳолатларига йўл қўйилмаслигини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК ва Жиззах вилояти ҳокимлиги 2017-2018 йиллар даврида, эксперимент тариқасида, Жиззах вилоятининг пахта калаваси ишлаб чиқарувчи корхоналарига фермер хўжаликларидан пахта хом ашёсини шартнома асосида эркин нархлар бўйича харид қилиш ёки ўз пахта хом ашёсини етиштириш ҳуқуқини беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Жиззах вилояти ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 11-иловага\* мувофиқ айрим турларини Жиззах вилояти ҳокимининг қарори бўйича экспорт қилишга истисно тариқасида рухсат бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Хўжалик бошқаруви республика органлари раҳбарлари зиммасига идоравий мансуб ташкилотлар томонидан ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловларни республиканинг ўзлари фаолиятни амалга ошираётган тегишли ҳудудлар бюджетларига ўз вақтида тўлаши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хўжалик бирлашмалари органларига уларнинг идоравий мансуб корхоналарининг маҳаллий бюджетлар олдидаги мавжуд солиқ қарздорлиги тўғрисида белгиланган муддатларда билдиришномалар юборсин.

7. Жиззах вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синаб кўриш ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича 12-иловага мувофиқ таркибда Ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (С.Х. Бекенов):

вазирликлар, идоралар хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари, Жиззах вилоятининг барча даражалардаги ҳокимликларининг Комплекс дастур ва ушбу қарор нормаларининг ўз вақтида тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши юзасидан фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини таъминласин, амал-

---

\* 11-илова рус тилидаги матнда берилган.

га оширилаётган инвестиция лойиҳалари бўйича объектларни белгиланган муддатларда сўзсиз ишга тушириш ва янги иш ўринлари яратиш параметрларига эришиш таъминланишига алоҳида эътибор берсин;

Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда — аҳоли ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида Комплекс дастурнинг, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тубдан жадаллаштириш бўйича унда назарда тутилган асосий чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялари тўғрисида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин;

2017-2018 йилларда Жиззах вилоятида саноатда, қишлоқ хўжалигида ва хизматлар соҳасида амалга ошириладиган йирик ва аҳамиятли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тармоқ жадваллари бир ой муддатда ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

Комплекс дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларини, ушбу қарор талабларини амалга оширишнинг бориши ва натижалари ҳар ойда кўриб чиқилишини таъминласин;

зарурат бўлганда, Комплекс дастурда назарда тутилган йирик ва аҳамиятли инвестиция лойиҳаларининг асосий параметрларига ва манзилли рўйхатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига Комплекс дастурни амалга оширишнинг бориши ва натижалари тўғрисида ахборот, зарурат бўлганда, Комплекс дастурни амалга оширишда қолоқликка ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ишчи гуруҳ (С.Х. Бекенов) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда — Жиззах вилояти пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларининг 2016 йилги фаолияти натижалари бўйича ва ундан олдинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича, шунингдек хизмат кўрсатувчи тармоқлар ташкилотлари олдида қарзлари юзага келиши сабаблари ўрганилишини ташкил этсин ҳамда ўрганиш натижалари бўйича уларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида 2017 йил 1 июлгача бўлган муддатда Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Жиззах вилоятида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги;

Жиззах вилоятининг ишламай турган ва кам қувватли корхоналари фао-

лиятини тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Хукумат қарорлари лойиҳаларини киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,  
2017 йил 31 май,  
332-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 31 майдаги 332-сон қарорига  
10-ИЛОВА

### Эксперимент тариқасида Жиззах вилояти тадбиркорлик субъектларига бериладиган манзилли солиқ имтиёзлари ва преференциялари РЎЙХАТИ

Т/р	Солиқ имтиёзлари ва преференциялари, уларни бериш шартлари	Бериладиган муддат
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон Фармони 3-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларига мувофиқ «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси иштирокчиларига берилган солиқ имтиёзларини (бож тўловлари бўйича имтиёزلардан ташқари) Жиззах вилоятида (Жиззах шаҳри бундан мустасно) янгидан ташкил этилаётган саноат корхоналарига, инвестиция ҳажмларидан қатъи назар, татбиқ этиш.	2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача
2.	Жиззах вилояти фермер хўжалиklarини пахта ва ғалла етиштирилаётган ерлар бўйича ягона ер солиғи тўлашдан озод қилиш.	2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача
3.	Жиззах вилояти фермер хўжалиklари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини 5 фоиз миқдоридан белгилаш, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тавсия этадиган ходимларнинг энг кам сони нормативларига риоя этилган тақдирда. Жиззах вилояти фермер хўжалиklarини пахта хом ашёсини йиғиб-териб олиш учун мавсумий ишларга	2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Т/р	Солиқ имтиёзлари ва преференциялари, уларни бериш шартлари	Бериладиган муддат
	жалб этиладиган ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича ягона ижтимоий тўловдан озод қилиш.	
4.	Жиззах вилоятида жойлашган саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдорини бекор қилиш.	2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача
5.	Арнасой, Бахмал, Фориш, Зафаробод, Зарбдор, Янгиобод туманларида, шунингдек Жиззах вилоятининг бошқа туманлари қишлоқ аҳоли пунктларида маиший (саргарошхона, пойабзал, кийим-кечак, электр маиший приборлар таъмирлаш ва бошқалар) хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларни белгилаб қўйилган солиқ тўлашдан озод қилиш.	2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача
6.	Жиззах вилоятининг иссиқхоналар ташкил этган ва уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган деҳқон хўжаликларини ва жисмоний шахсларини қуйидаги шартларда ер солиғидан озод қилиш, иссиқхона майдони: жисмоний шахслар учун — камида 100 квадрат метр; деҳқон хўжаликларига ажратилган ер участкасида — камида 500 квадрат метр бўлганда.	2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача
7.	Жиззах вилояти халқ депутатлари туман Кенгашларига зарурат бўлганда қуйидагилар бўйича ваколатларни бериш: якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар учун белгилаб қўйилган солиқнинг тасдиқланган ставкасига пасайтирувчи коэффициентларни белгилаш; томорқаларидан, шунингдек деҳқон хўжаликларига ажратилган ер участкаларидан самарасиз фойдаланаётган жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкасини икки бараваргача кўпайтириш.	2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача
8.	Жиззах вилояти бюджет ташкилотларига товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш юзасидан электрон биржа савдолари тизимида эълон бермасдан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳар ойда ўтказиладиган ҳудудий Кооперация биржаси ва саноат ярмаркаси доирасида шартномалар тузишга, кейинчалик уларни Молия вазирлигининг Ҳазначилик органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишга рухсат бериш.	2017 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача
9.	Жиззах вилояти муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳудудий комиссиясига солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига	2017 йил 1 июлдан 2019 йил 1 январгача

Т/р	Солиқ имтиёзлари ва преференциялари, уларни бериш шартлари	Бериладиган муддат
	мажбурий тўловлар тўлаш муддатини 12 ойгача бир марта узайтириш ҳамда фаолиятини Жиззах вилояти ҳудудида амалга ошираётган корхоналар ва фермер хўжаликларининг муддати ўтказиб юборилган тўловлари бўйича ҳисобланган пеняни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини бериш.	
10.	Жиззах вилояти фермер хўжаликларига асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили йиғиб олингандан кейин бўшайдиган ер участкаларини жисмоний шахсларга такрорий қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун вақтинчалик фойдаланиш учун шартнома асосида, 6 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга бериш ҳуқуқини бериш.	2017 йил 1 июлдан 2019 йил 1 январгача
11.	Қуйидаги тартибни белгилаш, унга қўра Жиззах вилоятида яшовчи ўз томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига деҳқон хўжаликлари учун белгиланган миқдорда суғурта бадаллари тўлаши пенсия тайинлашда иш стажини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади.	2017 йил 1 июлдан 2019 йил 1 январгача
12.	Эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун уларнинг Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичига ўтиши муносабати билан ходимларининг чекланган сони ўзгарганда, эркин иқтисодий зона иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган санадаги ходимларнинг чекланган сонини кичик тадбиркорлик субъектлари жумласига киритишда қўллаш ҳуқуқи сақлаб қолинишини белгилаб қўйиш.	Рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 31 майдаги 332-сон қарорига  
12-ИЛОВА

**Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни  
тубдан жадаллаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришни  
рағбатлантиришнинг янги ёндашувлари ва методларини синаб  
кўриш, юқори даражали бизнес муҳитини шакллантириш ҳамда  
ишбилармонлик муҳитини яхшилашга доир комплекс чора-  
тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Ишчи гуруҳ  
ТАРКИБИ**

1. Бекенов С.Х. — Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари
2. Мустафоев У.М. — Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари
3. Хаджизадаев Ш.Р. — Марказий банк раисининг ўринбосари
4. Холмуродов С.Р. — «Ўзмиллийбанк» раиси
5. Шайхов А.Э. — Савдо-саноат палатаси раиси
6. Турсунов Ё.Э. — Молия вазирининг ўринбосари
7. Усманов А.А. — Адлия вазирининг ўринбосари
8. Сафаров Т.Б. — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари
9. Гадов Э.Ф. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари
10. Рўзметов М.И. — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
11. Химматов А.Х. — Давлат рақобат қўмитаси раисининг ўринбосари
12. Икрамов А.А. — Давлат статистика қўмитаси раисининг ўринбосари
13. Шарахметов Ш.Ш. — Туризм давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
14. Рахимов Б.С. — «Ўзбекэнерго» АЖ раисининг ўринбосари
15. Холияров Ю.Д. — «Ўзкимёсаноат» АЖ раисининг ўринбосари
16. Рустамов О.Б. — «Ўзбекнефтгаз» МХК раисининг ўринбосари
17. Холмуродов А.А. — Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб жамғармаси директори
18. Ашуров У.М. — «Ўзтрансгаз» АК раисининг ўринбосари
19. Уралов Ш. — Ташқи савдо вазирлигининг бошқарма бошлиғи
20. Холмуродов Н. — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бошқарма бошлиғи
21. Хотамов С. — Марказий банк департамент директорининг ўринбосари
22. Абдуллаев А.К. — «Жиззах» ЭИЗ директори
23. Лавозимига кўра — тижорат банклари раҳбарлари.

Зарурият бўлганда, Ишчи гуруҳ раҳбари давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари вакиллари жалб этиш ҳуқуқига эга.